Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 140 (5731).
20 ИЮНЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



МЕҲНАТГА ЯРАША ШОН-ШАРАФ

Шаҳримиз меҳнат коллективларида партия ва мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Бутун-бутун коллективлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ана шу шонли сана шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, уни муваффақиятли бажаришмоқда.

«Компрессор» заводи йиғув цехининг пешқадам ишчиси Эркин Акбаров ана шундай илғорлардан бири. Ўзининг фидокорона меҳнати, жамоатчилик фаолияти билан у коллективнинг ҳурматига сазовор бўлган. Шу кунларда у ўз ҳамкасблари қатори юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, смена топшириқларини мунтазам 20—30 процент ортиғи билан адо этяпти. Пешқадам ишчи яхши меҳнат қилибгина қолмай, бошқаларнинг ҳам илғорлар маррасига етишишига ёрдам бермоқда. Чунки цех коммунистлари унга юксак ишонч билдириб, бошланғич партия ташкилотининг секретари этиб сайлашган.

СУРАТДА: Э. Акбаров.

В. Сироткин фотоси.

ИШЧИ КАЛЕНДАРИДА 1991 ЙИЛ

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика цехи токари, коммунист Виктор Васильевич Бочков партия XXVI съезди кунлари зиммасига олган мажбуриятини бажарди. Энди у 1991 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Коммунистларни н г Бутуниттифоқ анжумани ўтаётган кунларда у ўз ўртоқларига бундай деган эди:

— Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб смена топшириқларини икки юз процентдан бажариб бораман. Ўз имконятларимни пухта ўрганиб чиқиб, иш вақтини тежашнинг қўшимча резервларини топаман, бир беш йиллик мобайнида икки беш йиллик топшириғини бажараман. Барча ишчиларни мендан ўрнак олишга чақираман.

Михаил Рижков мураббийсининг ташаббусини биринчи бўлиб «лаббай», деб жавоб берди. Механика цехининг ҳар икки ишчиси берган сўзини шараф билан адо этди. Тўғри, бу гал шогирд учта станокда ишлаб, устозидан ўзиб кетди. Михаилнинг меҳнат календарида 1993 йил апрель ойига ҳисоб очилди.

Йўнувчи М. В. Крапивин, токарь Р. Б. Хамитов, слесарь Е. А. Чернов ҳам 1991 йил ҳисобига ишлай бошладилар.

МУВАФФАҚИЯТ ЗАМИНИ—ТЕЖАБ-ТЕРГАШ

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи зиммасидаги мажбуриятлардан бирини муддатидан илгари бажариб бўлди: ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида тежалган ҳом ашё ва ёқилғи-энергия ресурслари ҳисобидан икки кун ишлаб берилди. Йил бошидан бери тежалган металлдан 30 та универсал чигит сеялкаси ишлаб чиқарилди.

Металлни марказлашган ҳолда кесиш цехининг механоткашлари тежаб-тергаш учун ўртоқ ташаббускорлари бўлдилар. Н. Мальцев, Н. Сапаров, Д. Курязов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадалар майда деталларни энг мақбул бичиш, уларни чиқитлардан ясаш ҳисобига бир йилда 90 тонна металлни тежашга қарор қилдилар. «Бу КПСС XXVII съездига бизнинг меҳнат совғамиз бўлади» дейишди ишчилар. Улар айтган сўзларининг устидан чиқмоқдалар: 50 тоннадан кўпроқ металл тежаб қўйилди.

Бирлашмада ҳом ашё, ёқилғи, энергияни тежаш масалалари комплекс равишда ҳал этилмоқда. Халқ контролёрларидан иборат ўзТАГ муҳбири билан суҳбатда ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари Н. А. Лопатин. — Бу тадбирнинг моҳияти шундаки, ёздаги Альп тоғларида қор эриганида Австрия гидростанцияларидан ортиқча энергия СССРга берилади. Қишда, Австриядаги дарёларнинг суви камайган пайтда эса бизнинг иссиқлик станцияларимиз у томонга энергия етказиб беради. Биз бу ерда, Тошкентда ҳамкорлигимиз биринчи босқичининг якунларини муҳокама қилдик. Ҳар иккала томон эришилган натижалардан мамнуният изҳор қилди ва бошқа давлатларни ҳам жалб этиб, электр энергия айирбошлашни кенгайтиришга доир конкрет вазифаларни белгилаб олди. Кўзда тутилган программанинг амалга оширилиши Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Меҳмонларнинг Ўзбекистонда бўлиши программасига мувофиқ улар Чорвоқ ГЭСини бориб кўрадилар, Тошкент ва Самарқандниг тарихий ёдгорликлари ҳамда янги қурилишлари билан танишадилар.

Контролёрлар ва рационализаторларнинг ташаббусига биноан газ печлари иссиғидан фойдаланишга имкон берадиган иккита установка ўрнатилишининг ўзиёқ бир йилда 270 тонна ёқилғини тежаб берди.

Контролёрлар металл ва ёғоч тахтадан қандай фойдаланилаётганли г ини текширишни корхона территориясини синчиклаб кўздан кечириб чиқишдан бошладилар. Шунда тақчил материаллар кўпинча очиқ ҳавода сақланиши, талон-тарож бўлиши аниқланди. Янги машина-ускуналар ҳам худди шундай назоратсиз сақланган. Кўпинча улар ҳали ўрнатилиб бўлмасданоқ қисмларга ажратилган ва яроқсиз ҳолга келган. Контролёрлар маъмурятни текшириш натижалари, ўз таклифлари билан таништирдилар. Материал ва машина-ускуналар сақлашни тартибга солиш борасида шошилинч чоралар кўрилди. Янги омборлар, бостирмалар қурилди, юк кўтарадиган механизмлар монтаж қилинди. Энг муҳими эса, ҳом ашё, материал, машина-ускуна бериш устидан қаттиқ назорат йўлга қўйилди. Шуларнинг сақланиши учун бўлинма раҳбарлари шахсан жавобгар қилиб қўйилди.

СССР ва Австрия энергетиклари учрашуви

Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида Совет-Австрия қўшма комиссияси энергетика бўйича ишчи группасининг мажлиси 19 июнь куни Тошкентда қўшма протоколни имзолаш билан ниҳоясига етди.

Икки мамлакат вакиллари Совет Иттифоқи билан Австрияда электр энергетикининг аҳволи тўғрисида бир-бирига ахборот бердилар, фан-техника ва ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш йўлларини белгиладилар.

• Ташаббускорлар ҳақида ҳикоялар

БРИГАДИР ИБРАТИ



Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаганлар орасида «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси радио механикларининг бригадири Б. Собиров ҳам бор.

Новаторнинг белгилаган марралари, жонажон партиямизнинг бўлажак съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор вахтанинг бориши ҳақида «Зангори экран» бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Н. Очилдиева ҳикоя қилади.

— КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми илҳомимизга илҳом бағишлади. Пленум КПСС XXVII съездига тайёргарлик даврида совет халқи олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб берди. Тармоғимизнинг кўплаб меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш, партия анжуманини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Дастлабки ўн кунликлар якунидан кўриниб турибдики, авж олган социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишда, иш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлади.

Республика ва шаҳар ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» шиори остидаги ташаббусига бирлашмамизда биринчилардан бўлиб радио механиклар бригадири Бахтиёр Собиров қўшилди. У ўз ўртоқлари билан йиллик топшириқни Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига, биринчи квартал планини эса 1986 йил 25 февралгача бажаришга аҳд қилди.

Ҳозир бригада ягона наряд бўйича ишлаяпти. Бу ҳар бир радио механикнинг топширилган иш кўлами учун масъулиятини ошириш, коллективни янада жипслаштириш, уларга малакани ошириш билан шуғулланиш имконини беради. Ҳозир бригаданинг аксарият аъзолари юқори разрядларга эга, энг мураккаб радио аппаратураларидаги носозликларни тез аниқлаб, бартараф этишга қодир.

Бу ўринда бригадирнинг маҳорати, унинг ташкилотчилик қобилияти, одамларни энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга сафарбар эта олиш кўникмаси муҳим аҳамиятга эга. Социалистик мусобақа якунларига кўра Бахтиёр Собиров бир неча марта «Касби бўйича энг яхши», «Қўли гул уста» фахрий унвонларига сазовор бўлган.

Аҳолидан теле ва радио аппаратуралари сифатсиз ремонт қилинаётганлиги, ўз вақтида хизмат кўрсатилмаётганлиги ҳақида шикоятлар тушиб турганлиги сир эмас. Бирлашмада ана шу камчиликларни тугатиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Шак-шубҳасиз, ҳар қандай таъсирчан чора ҳам Б. Собиров каби илғорлар тажрибаси ўрнини босолмайди. Сўнгги йилларда ҳамшаҳарларимиздан ана шу бригада хизмати юзасидан биронта ҳам шикоят олингани йўқ, барча ремонт ишлари юксак техник савияда, ўз вақтида бажарилмоқда.

Коллектив партия анжумани шарафига планга қўшимча равишда минг сўмлик хизмат кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини икки процентга ошириш мажбуриятини олган. Бу бирлашмамизда катта резервлар борлигидан далолат беради. Ҳозир бутун ташкилотчилик ишимиз ана шу резервларни излашга қаратилган. Бу резервлар «Зангори экран» бирлашмаси коллективи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишининг гаровидир.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлимининг мудири Хуберт Эгеман бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегация аъзолари 19 июнь куни автомобиль транспорти корхоналари ва Ўрта Осиё темир йўли партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий иш тажрибаси билан танишдилар. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА ЕСЕНИН ДАРАХТЗОРИ

Шу баҳор фасли Тошкентда навқирон Есенин дарахтзори бўй чўзди. Ажойиб рус шоири куйлаган заранг ва жўка, қайин ва оппоқ либосга бурканган мумурт, дуб кўчатлари Есенин музейининг, қўшни уйларнинг дераза ларига мўралаб тургандек. Ҳали уларнинг танаси жуда нозик, аста эсган шабададан ҳам титрайди. Уларни Тошкентнинг туб «аҳолиси» бўлиб қолган қудратли қайрағочлар бамисоли ўз ҳимоясига олгандек.

Есенин дарахтзорига дастлабки ниҳолларни жамоатчилик асосида ишлаётган музейга ленинградлик олим В. И. Якушев юборди. Икки йил мобайнида кўклам кеалари ундан авиапосилкалар келиб турди. Қарағай, майхонжон, бодрезак, сирень ниҳолчаларини кўриб, музей ходимлари ҳайрон қолишарди... Аммо дастлаб «Есенин уйи» жойлашган ерда ўрмон учун жой бўлмади. Шимолдан келтирилган бу кўчатлар шунчаки тупроққа қадаб қўйилганида амал олармиди. Музей ходимлари ёш ниҳолларни авайлаб, ўз ўйлари атрофида ўстиришди, секин-аста қуёшнинг қайноқ тафтига ўргатишди. Дарахтзор бунёд этиш мавриди келганида музей кўчирилган янги микрорайонда бу кўчатлар билан бирга Тошкент Ботаника боғи ходимлари ўстирган ниҳоллар ҳам ўтқазилди. Музейнинг кўнгилли ёрдамчилари, қишлоқ хўжалик институтининг, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари, 95-ҳунар-техника билим юрти талабалари, Н. Островский номли пионерлар саройининг қатнашчилари майдончани обдон тозалашди, яхши тупроқ келтириб солишди, ҳар бир кўчатга сув келтиришди.

Музей ташаббускорларининг аҳди — Есенин дарахтзори ёнида гулзор қилиш, бу ерда шоир шарқ туркумида ёзган шеърларида куйлаган атиргуллар ўстиришдан иборат.

Тошкентда рус шоири музейининг ажойиб экспонатларидан бири бўлган дарахтзор ямяшил тусга кирди.

Ўзбекистондан борадиган «Катюша»лар

Қолипга суюқ пластмасса тўлдирилиб, ротацион қурилмага юборилади ва бу ерда шу модда 200 градусдан ошадиган ҳароратда хилма-хил қўғирчоқларга айланади. Мана, кабутар ушлаган таниш қизлар: қип-қизил сарафан билан оппоқ кофта кийиб беш хил тусдаги катта тиллақош қадашган. «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Н. Мелкумов столида ёшлар ва студентлар XII Жаҳон анжуманининг расмий рамзи «Катюша»лар турибди.

— Бирлашма ходимлари ёшлар фестивали совет тайёргарлик комитетининг махсус буюртмасини бажаришга бажонидил киришдилар, — дейди Александр Николаевич, — ахир корхонамизда асосан ёшлар ишлашади-да. Ротацион қолиплаш секторининг В. Шчербинин раҳбарлигидаги ходимлари фахрий буюртмани биринчи бўлиб бажара бошладилар. Рассом П. Гусев ёғоч оригинални ўйиб тайёрлади ва қолиплар шунга қараб ясалди. Инженерлар С. Терентьева ва Г. Набиев ишлаб чиқаришнинг энг мақбул технологик режимини танладилар, маҳсулотни бўяш техникасини ишлаб чиқдилар.

А. Договоровнинг комсомол-ёшлар бригадаси фестиваль буюртмаси эстафетасини қабул қилиб олди. Бу бригада янги технологияни биринчи бўлиб ўзлаштирди.

— Ишимизда брак деган гап бўлмайди, — дейди бригадир. — Чунки маҳсулот «Н» — («янгилик») белгиси билан чиқарилади. Биз инженерлик-технологик кўрсатмаларни бузмаслик учун ниҳоятда диққат-эътибор билан ишлашга ҳаракат қилаяпмиз. XII Жаҳон фестивалининг кўпгина қатнашчилари ва меҳмонлари қўғирчоқни ўз ватанларига олиб кетсалар керак. Ўзбекистонда тайёрланган «Катюша» жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига боради. Бинобарин, биз алоҳида масъулият билан ишлашимиз керак.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

БУГУН

Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси иш бошлади.

Сессия қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

1. КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш бўйича халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг вазифалари тўғрисида.

2. Сайловчиларнинг ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига ва ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларига наказларини амалга ошириш бўйича тадбирлар плани тўғрисида.

3. Ташкилий масалалар.

4. Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қондалари тўғрисида.

5. Шаҳар халқ контроли комитети составини қисман ўзгартириш тўғрисида.

6. Тошкент шаҳар суди аъзоларн тўғрисида.

(Сессия иши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетада ёритилади.).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Чилонзор массивининг «Е» квартала да 24 квартирали уй фойдаланишга топширилди. Ғафур Ғулом кўчасида ҳам 32 квартирали уй тайёр бўлди. Шу ойнинг охиригача яна бир уй-жой бинои тайёр қилиниши билан ярим йиллик топшириқ ниҳоясига етказилади. Бунёдкорлар бу йил шаҳримиз аҳолисига 54 минг квадрат метрдан иборат уй-жой биноларини топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

● Шаҳримиз марказининг кичик архитектура қиёфасини бойитиш мақсадида янги тақомиллашган газета-журнал киоскалари ўрнатилди. Навоий театри, Инқилоб хиёбони, кўргазмалар зали, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи, метронинг В. И. Ленин хиёбони станцияси олдида ўрнатилган бундай киоскалар газетхонларга манзур бўлаяпти. Янги киосклар Москвадаги алоқа ускуналари корхонасидан келтирилди. Ҳозирда шаҳримизда 400 та «Союзпечать» киоскаси ишлаб турибди. Уларда бир кунда 125 минг нусха марказий, республика, область, шаҳар газеталари сотилмоқда.

● «Узводпромпроект» институтининг лойиҳачилари Эфиопиянинг ўзлаштириладиган кўриқ ерларида қишлоқ хўжалиги майдонларини бунёд этиш ва уйжой биноларини қуришга доир техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқдилар. Бу ривожланаётган мамлакатда пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни ривожлантириш учун қулай имконият яратилади. Тошкентлик мутахассисларнинг таклифига кўра бу мамлакатда 60 минг гектар атрофида ерларни ўзлаштириш мўлжалланган.

● Республика киночилар уйида «Мосфильм» студиясида яратилган янги «Аккордеонли одам» бадиий фильми премьераси ва унинг ижодкорлари билан учрашув бўлди. Унда фильм постановкачи-режиссёри Н. Н. Досталь ва сценарий муаллифи А. И. Бородянский шаҳримиз томошабинларига Москва киноусталарининг яратаётган янги кино асарлари ҳақида гапириб бердилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 31 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—22, эртага кундузи 35—37 даража иссиқ бўлади.

• ШАРҲЧИ САТРЛАРИ ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛ ТАҚИҚЛАНСИН!

Тинчликсевар инсоният химиявий ва бактериологик қуролни қўлланишни таъқиқлаш тўғрисидаги Женева протоколи имзоланганлигининг 60 йиллигини нишонламоқда. Бу ҳужжат Германия биринчи марта заҳарловчи моддаларни қўлланганлиги сабабли жаҳон жамоатчилиги қаҳр-ғазаби ғоят авж олиб кетганлиги натижасида қабул қилинган эди. Протоколга кўпгина давлатларнинг вакиллари ўз имзоларини қўйдилар.

Фақат Америка Қўшма Штатларигина узоқ вақт давомида бу ҳужжатга қўшилишдан бош тортиб келди. АҚШ хатти-ҳаракатининг сабаби кейинроқ ошкор бўлди: Қўшма Штатлар оммавий қирғин қуролининг турли хилларини жадал равишда ишлаб чиқаётганлиги маълум бўлиб қолди.

Қўшма Штатлар шундай қурол даҳшатли турларининг бутун бир туркумини ишлаб чиқди. Бундай қуролларнинг тўпланишига, ҳозирги Америкада одат бўлиб қолганидек, баҳона ҳам топила қолди. Вашингтондагилар бу билан «инсонпарварликни» кўзлаётган эмишлар, чунки бундай қуролларни ишлатганда «қон тўкилмас» эмиш. Бироқ Пентагоннинг Вьетнам, Кампучия ва Лаосда химиявий қуролдан фойдаланиши бу қурол кишиларни қандай оғир азобларга дучор қилишини кўрсатди. Ҳозирги замон ваҳшийларининг жиноий ҳаракатлари бутун дунёда қаҳр-ғазаб тўлқинини авж олдириб юборди. Натижада АҚШ 1975 йилда Женева протоколини ратификация қилишга мажбур бўлди, сўнгра эса қуролсизланиш комитетида (1974 йил февралида — қуролсизланиш бўйича конференция) химиявий қуролни ёппасига таъқиқлаш ва уни йўқ қилиб ташлаш юзасидан музокараларда қатнашишга рози бўлишдан бошқа илож қолмади.

Оммавий қирғин қуроли турларидан бирини қонундан ташқари деб эълон қилишнинг реал истиқболи очилгандек кўринган эди. Бироқ бу йўлдан борилмади. АҚШ конгресси ратификация тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётган бир пайтда Пентагон лабораторияларида полигонларида химиявий қуролнинг янги вариантлари ишлаб чиқарадиган бинар ўқдорилар ишлатиб кўриладиган маълум бўлиб қолди.

АҚШнинг ҳозирги маъмурияти химиявий урушга айниқса актив тайёргарлик кўрмоқда. Президент Рейган ўзи ҳокимият тепасига келганлигининг иккинчи йилидаёқ АҚШни химиявий «қайта қуроллантириш» 5 йиллик программасини эълон қилди. 1983 йилдан бошлаб унн амалга оширишга 10 миллиард доллар сарфлаш мўлжалланган. АҚШда тўпланган химиявий қурол ер юзидаги бутун жонзотни кўп марта йўқ қилиб юбориш учун етарли бўлган шароитда ана шундай ишлар қилинмоқда.

Химиявий қурол ядро қуроли билан бир қаторда жуда катта хавф солмоқда. СССР буни яхши англаб, ана шу қуролни қонундан ташқари деб эълон қилишни кўпдан буён таклиф этмоқда. 1982 йилда Совет Иттифоқи химиявий қуролни таъқиқлаш тўғрисидаги конвенциянинг асосий қоидалари лойиҳасини киритди. 1984 йил январида СССР ва Варшава Шартномаси мамлакатлари Европани ана шу қуролнинг барча турларидан холи этиш тўғрисида аҳдлашиб олишни таклиф қилдилар. БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIX сессияси СССРнинг ташаббуси билан химиявий қуролни таъқиқлаш ва уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги конвенцияни тезроқ ишлаб чиқиш ва имзолаш зарурлиги тўғрисида резолюция қабул қилди.

Бироқ АҚШ СССРдан ҳарбий устунликка эришиш муддаоларига маҳлиё бўлиб, шундай шартномага эришишни барбод қилмоқда, химиявий урушга тайёргарликни авж олдирмоқда. Бу эса тинчликсевар жамоатчиликдан химиявий қуролни таъқиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш учун қилинаётган ҳаракатларни кучайтиришни талаб этмоқда.

А. БИРЮКОВ,
ТАСС шарҳчиси.

• БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

БАҲОНИ ХАРИДОР ҚЎЯДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси «Хизмат—бемаънат» фирмаси савдо корхоналари коллективларининг савдо жойларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ишини оқилона ташкил этиш бўйича ташаббусини маъқуллади. Ушбу ташаббусни бошқа савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ёйиш тавсия этилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо ва умумий овқатланиш Бош бошқармаларига савдо шахобчаларини аттестациядан ўтказиш ва ишни оқилона ташкил этиш методикаси бўйича савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг намунали стандартини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Бугун «Тошкент оқшоми» мухбирлари саволларига «Хизмат — бемаънат» фирмасининг директори, Акмал Икромов район Советининг депутати, Совет савдоси аълочиси Н. А. ГЕНЕРАЛОВА жавоб беради.



— Наталья Александровна, «Хизмат—бемаънат» фирмасининг ташкил этилганига мана 13 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида у катта довруғ қозонди ва тошкентликлар ҳурматига сазовор бўлди. Марҳамат қилиб айтингчи, ана шу даврда корхона тузилишида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Бугунги кунда фирма ўз сафига 24 савдо корхонасини, шунингдек тўртта универсамни қабул қилиб олди. 17 магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишламоқда, умумий товар оборотидаги маҳсулотларнинг 90 процентини ана шу усулда сотилади. Ўтган йиллар мобайнида товароборот 165,6 процентга ошди. Бу юртмалар салони орқали маҳсулотлар сотиш тобора ортиб бормоқда. Фақат ана шу хизмат кўрсатиш усулида товароборот 3562 минг сўмдан 6220 минг сўмга кўпайди. Пландан ташқари аҳолига 1.331 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Фирма маъмурияти ва партия ташкилоти ана шундай муваффақиятга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш туфайли эришди. Ҳозир бизда сиёсий ўқишнинг барча турларига 500 дан ортиқ киши жалб этилган. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб берган фирма коллективи вино-арақ савдоси ишини ўз вақтида кўриб чиқди ва унинг сотилишини маҳсус секцияларда кириб-чиқиши алоҳида бўлган бўлимларда бўлишини таъминлади.

— Фирма корхоналаридаги савдо жойларини аттестация қилиш нимадан бошланганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Фирма коллективи савдо-технологик жиҳозлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, намунали хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш учун тармоқда биринчи бор Днепропетровск комбайн заводи, Тошкент трактор ва «Ташсельмаш» заводларининг савдо жойларидан оқилона фойдаланиш бўйича иш тажрибасини қўллаш ташаббуси билан чиқди.

Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб 1, 2, 3, 19-универсамларда аттестация бошланди. Аттестациянинг замирида савдо жиҳозларини инженерлик жиҳатидан баҳолаш, такомиллашт и р и ш нинг янги йўлларини белгилаш ётибди: булар — савдо-технологик жиҳозлари, меҳнатни ташкил этишнинг замонавий талабларига мувофиқлиги, зарур меҳнат шароити яратилганлиги, харидорларни корхоналар иш режими, товар ассортименти, сифати қаноатлантириши, шунингдек, бир марта харид қилиш учун кетадиган ўртача вақтдир. Аттестация уч босқичда олиб борилиб, бир қанча тадбирларни ўз ичига олади. Асосий эътибор коллективни методик ва ташкилий жиҳатдан тайёрлашга қаратилди, амалга оширилган ишларнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Харидорлар, ва универсам хизматчиларига анкеталар тарқатилиб, уларнинг истаклари, таклифлари ўрганилди, мулоҳазалари инобатга олинди. Аттестация олиб борилаётган вақтда магазинга кираверишдаги шчит қизил рангда безатилди ва аттестация муддати кўрсатилган эълон осиб қўйилди, харидорларга таклиф-открыткалари топширилди. Коллективда «Аттестация бўйича энг яхши ташкил этилган иш» деган кўрик-конкурс ташкил қилинди. Шунингдек, сотувда бўлган озиқ-овқатлардан қандай таомлар тайёрлаш ҳақида сотувчилар харидорларга қандай маслаҳат беришлари ҳам инобатга олинди. Аттестациянинг сўнгги босқичида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай камчиликлар бор эди. Бу хизмат кўрсатиш маданиятининг етарли даражада эмаслиги, маҳсулотларни сифатсиз қадоқлаш, қадоқланган молларнинг маркировкаси, касса хизмати шулар жумласидандир. Масалан, савдо хизмати тигиз бўлган вақтда харидор маҳсулот танлаб олишга 5 минут сарфласа, касса олдидаги ҳисоб-китобга 20—30 минут вақт кетказади. Савдо жойларини аттестация қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш савдо-технология жиҳозлари, ходимларнинг меҳнат шароити, сотувчиларнинг билими ва касб маҳорати, товарлар сифати ва корхонанинг асосий план кўрсаткичлари аҳволини аниқлаш имконини беради.

— Наталья Александровна, корхоналарингизда қандай янги хизмат кўрсатиш усуллари қўлланилмоқда?

— Намунали хизмат кўрсатишни яхшилаш ва харидорлар вақтини тежаш мақсадида қўшимча 25 дан ортиқ хизмат кўрсатиш усуллари жорий этилди. Сўнгги вақтларда харидорлар учун маъқул бўлган янги кафетерий орқали хизмат кўрсатиш усули кўпчилик олқишига сазовор бўлмоқда. Ҳозир йирик савдо корхоналарида ана шундай 13 та кафетерий ишлаб турибди. Фирма 40 дан ортиқ тара таъминловчилар билан яқин алоқа ўрнатиши натижасида молларни тез тушириш ва савдо залига етказиш имконига эга. Бешта савдо корхонасида меҳнат иштироки коэффициентини қўллаш билан меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришн и н г бригада формаси тадбиқ этилган. Барча корхоналарда социалистик мусобақа ташкил этилган. Бунда қатнашаётган 85 бригаданинг олтитаси комсомол-ёшлар бригадасидир, 50 бригада коммунистик меҳнат бригадаси номи учун курашмоқда, шундан 36 таси ана шундай юксак номга эга бўлди. 1982 ва 1984 йилги иш натижаларига кўра, ишлаб чиқаришга топшириқларни ва социалистик мажбуриятларини бажарганлиги учун фирма коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Фирманинг 18 ишчиси «Совет савдоси аълочиси», икки киши — «Хизмат кўрсатган савдо ходими» фахрий унвонларини олдилар, 98 мураббий 338 ёш ходимга оталиқ қилмоқда.

— Савдо шахобчаларини аттестация қилиш давом этмоқда. Коллектив бу тадбирни ўтказишдан қандай фойда кўради, фирма бўлимларининг иш сифатини яхшилаш учун яна қандай резервлардан фойдаланиш мумкин?

— Харидорларга хизмат кўрсатиш яхшиланди. Оғзаки ва ёзма равишдаги шикоятлар кескин қисқарди. Барча универсамларда харидорларни битта, иккита моллари ҳиеоблайдиган қўшимча «Экспресс» кассалар ўрнатилди, бу ўз навбатида уни харид қилиш учун озгина вақт сарфлашини таъминлайди. 1 универсамда ёзги болалар кафе-мороженоеси очилди. Бу ерда юз ўринли «Ретро» ва «Конвелия» жиҳозлари ўрнатилди. Коллектив савдо жиҳозларини аттестациялаш ва уларнинг ишини оқилона ташкил этиш юзасидан шу йилнинг учинчи кварталида 3-универсамнинг тирик балиқлар билан савдо қилиш бўлимини реконструкция қилади. Бунинг учун қўшимча совуқ камера ўрнатилади. Бу ўз навбатида балиқ маҳсулотларини кенг ассортиментда — икки-уч баравар кўп сотилишини таъминлайди. 2-универсамдаги эскириб қолган ускуналар, янги суриладиган контейнерлар билан алмаштирилади.

Мамлакатимизнинг бутун меҳнат коллективлари қатори «Хизмат-бемаънат» фирма коллективи ҳам «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусига қўшилди. Ошириладиган мажбуриятлар қабул қилинди: пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот реализация, қилинади, беш йиллик топшириғи 28 декабрда бажарилади, ишлаб чиқариш кўрсаткичи 1,2 процентга ортади.



Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли Тошкент мебеллар ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш комбинатининг илғор ишчилари Носир Ҳакимов ва Тожибой Юсуповлар шу кунларда КПСС-нинг XXVII съездига бағишланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этишяпти. Улар комбинатда «Янгилик» белгиси билан ишлаб чиқарилаётган бир қатор мебелларни йиғишда актив қатнашишмоқда. 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган икки илғор ишчи қизғин мусобақалашмоқда.

СУРАТДА: беш йиллик илғорлари — Носир Ҳакимов ва Тожибой Юсуповлар.

П. Эргашев фотоси.

• КПСС XXVII съезди шарафига

МАҲОРАТНИ ОШИРИБ

Йигирувчи ёки тўқувчининг ишини кўмакчи участкалар ишчиларининг меҳнатисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бинобарин, тўқимачилик саноатидек мураккаб, кўп босқичли ишлаб чиқаришда кўмакчи участкалар муҳим аҳамият касб этади. Энг моҳир йигирувчининг меҳнат натижаси ҳам тутувчи, таровчи каби кўмакчи касб эгаларининг иш натижаларига бевосита боғлиқ бўлади. Шу боисдан мазкур касбларда ишловчилар алоҳида масъулият билан ишлаши лозим.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи йигирув фабрикаси титиш-саваш цехи коллективи бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқда. Цехда иш сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада методига катта эътибор берилмоқда. Цехнинг барча ишчилари иккита йириклаштирилган бригадага бирлаштирилган. Ягона наряд асосида ишлаётган бригадаларнинг бирига Рашид Айсин етакчилик қилмоқда.

Бундан уч йил аввал, бригада ташкил этилганида ва уни бригадир этиб сайлашганда Рашид Савельевич анча ўйланиб қолди. «Ишни нимадан бошлаш керак!» «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» принципи кундалик ҳаётга сингиб кетишига эришиш учун нима қилиш зарур? Коллектив ёш ишчилардан иборат, кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқишади. Ҳадемай, имтиҳон давр и бошланади. Демак, деб мулоҳаза қилди бригадир, ишни ишчиларнинг касб маҳоратини оширишдан, тургош касбларни ўргатишдан бошлаш лозим. Ўшанда коллективнинг бир маромда ишлашига замин яратилади.

Бригадир ўз режасини амалга оширишга киришди. Бригададаги ишчиларнинг ҳаммаси тараш машиналарини операторлиги, қабул қилувчи, пахта толасини аралаштирувчи касбларини мукаммал эгаллади. Бу нинг натижасида бригада аъзолари, коммунистик меҳнат зарбдорлари Собира Абдураимова, Муҳаббат Мансурова, Гулзира Сейдановалар бригадирга яқиндан ёрдам беришди. Кўп ўтмай коллективнинг кўрсаткичларида юксалиш сезилди. Энг муҳими, кейинги босқичлардан яримфабрикат сифатига бўлган эътирозлар кескин камайди. Бригадада меҳнат интизомининг мустаҳкамланганлиги, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик туфайли ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги белгилангандан ошиб борди.

Рашид Савельевич Айсин раҳбарлик қилаётган бригада коллективи фабрика ишлаб чиқаришлари ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақада бир неча маротаба ғолибликни қўлга киритди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари Насиба Оғабекова, Оля Норқулова, Нишон Жуманазаров, Ўктам Турсуновлар ойлик план топшириқларини мунтазам равишда 8—10 процентга ошириб бажаришмоқда.

Бригада коллективи «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ўтаётган мусобақада фаол иштирок этяпти. Тараш машиналари операторлари партия анжуманини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЎСТЛАР ЁРДАМИДА

ХОШИМИН. Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган тракторлар ва автомашиналарга техникавий хизмат кўрсатиш станцияларн тармоғини вужудга келтириш Вьетнамда ниҳоясига етказилди. ВСРда ишлаб турган барча 122 станциянинг биноларини Вьетнам томони барпо этди, СССРдан келтирилган машина-ускуналар эса совет мутахассисларининг техникавий кўмаги билан монтаж қилинди. Маҳаллий аҳолидан 3000 дан знёд киши совет мутахассислари ёрдамида слесарлар, ремонтчилар, усталар бўлиб қолди.

Республиканинг муҳим қурилишларида, қишлоқ хўжалигида ҳар хил маркадаги 9000 дан кўпроқ трактор, «БелАЗ»лар, «КамАЗ»лар, бошқа автотрактор техникасидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Техникавий хизмат станцияларн тармоғининг вужудга келтирилганлиги машиналар ишлаши пухталигини, улардан фойдаланиш муддатини оширдн, бинобарин халқ хўжалиги юкларини ташишни жадаллаштиради, қўрқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тезлашади. Машина-трактор паркининг кўпайганлиги республика жанубидаги қишлоқ хўжалигида чуқур социалистик ўзгартиришларга кўмаклашди. Ҳозир Хошиминда СССРдан келтирилаётган эҳтиёт қисмлар учун катта омборхоналар қурилиши авж олиб кетди.

БИОГАЗ ЁРДАМИДА ЭЛЕКТР ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИ

БУХАРЕСТ. Руминияда 1984 йилнинг охирида биогаздан фойдаланиб, электр энергия ҳосил қиладиган 1180 дан кўпроқ қурилма ишга туширилди. Бу қурилмалар 50 минг тоннадан знёд шартли ёқилғини тежаш имконини берди. Ҳозир мамлакатда ҳавосиз шароитда биомассадан биогаз ажратиб, уни парчалаш технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган 15 та илмий-тадқиқот институти бор. Улар ишлаб чиқаётган ускуналар беш йилликда (1986—1990 йиллар) қишлоқ хўжалиги кооперативларида ва давлат хўжаликларида, сув тозалаш станцияларида ўрнатилади. Беш йиллик охирига бориб, ноанъанавий манбалар — биогаз, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқарилдиган иссиқлик ва электр энергияси миқдори қарийб 5,4 миллион тонна шартли ёқилғини ташкил этади.

«ОРТИҚЧА КИШИЛАР» ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА

БРЮССЕЛЬ. Белгияда жуда катта ишсизлар армияси сақланиб қолмоқда. Меҳнат ва иш билан банд бўлиш масалалари билан шуғулланувчи миллий бошқармасининг маълум қилишича, шу ойнинг бошларида 480.525 белгиялик ёки мамлакатдаги жами меҳнатга қобилиятли аҳолининг 12,5 процентн ҳар қандай иш ҳақидан маҳрум эди.

Аввалгидек ҳозир ҳам ишсизликнинг энг юқори даражаси Фландрия районларига тўғри келади, бу ерда 256 мингдан кўпроқ киши иш тополмай юрибди. «Ортиқча кишилар» армиясида хотин-қизлар ҳамон 50 процентдан ортиқни ташкил этади, ишсиз ёшлар эса 146.299 кишига боради. Бироқ, иш билан банд бўлиш масалалари билан шуғулланувчи миллий бошқармасининг қайд этишича, 50 ва ундан катта ёшдаги ишсизлар, шунингдек кейинги икки йил мобайнида иш топа олмаган кишилар ана шу расмий статистикага киритилмаган.

Шундай қилиб, Белгиядаги «ортиқча кишилар» сони амалда расмий маълумотлардагидан кўра кўпдир. Касаба союзларининг маълумотларига кўра, ҳозир ишсизлар 600 минг кишидан ошиб кетган. Ўнг марказчи коалициондан ҳукумат статистика маълумотларини қалбакилаштирганликда ҳозирлик кўрилаётган сайлов олди кампанияси арафасида маъмурларнинг ишсизликка қарши кураши гўё самара бераётганлигини жамоатчиликка намойиш этишга қаратилгандир.


ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИСТАМБУЛ. Ҳозирги Туркияда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш проблемаси кун тартибидаги ўткир масала бўлиб турибди. Истамбул врачлари иттифоқининг раиси Тариқ Озергил айтганидек, медицина кадрлари мамлакат бўйлаб ниҳоятда нотекис тақсимланган: уларнинг ғоят кўпчилиги энг катта шаҳарлардадир. Чунончи, ҳозир жами турк врачларининг қарийб ярми 35 минг врачнинг 15 мингги Истамбулда ишламоқда. Шу муносабат билан Туркиянинг шарқи ва жанубий-шарқидаги энг кам ривожланган қишлоқ районларнинг аҳолиси кўпинча ўз вақтида медицина ёрдами ололмайди.

***

АММОН. Исроилда нарх-наво яна оширилганлиги эълон қилинди. Бу ерда олинган хабарларга кўра, жамоат транспортида кира ҳақи 25 процент ошган, бензин ва бошқа ёнилғи турлари анча қимматлашган.

Тель — Авив ҳукуматининг Исроил меҳнаткашлари аҳволини ёмонлаштиришга олиб бораётган иқтисодий сиёсати мамлакатда забастовка курашини кучайтириб юбормоқда. Иш ҳақи оширилишини талаб қилган суд муассасаларининг хизматчилари нарх-наво ошириладиган ҳаракатга асло ўхшамайди. Уни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ишлари кўп йиллардан буён олиб борилмоқда. Бундан беш йил муқаддам канални реконструкция қилишнинг биринчи босқичи ниҳоясига етган эди. Бунинг натижасида каналнинг ўтказиш қобилияти 1975 йилга нисбатан 2,3 баравар ошди. Ҳозир ҳажми 400 минг тоннадан ортиқ ғоят катта танкерлар мана шу жаҳон сув транспорти йўлидан фойдалана олади. Ҳозирги вақтда сув йўлининг 60 километрли участкасини янада кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда, келгусида иккинчи ўзанни қазиш планлаштирилмоқда, бу эса кемаларнинг айни бир вақтда иккала йўналишда қатнашига имкон беради.



ҲИНДИСТОН. Калькуттадаги совет фани, маданияти ва санъати уйи М. Горький номи билан аталади. Бу ерга калькутталиклар тез-тез келиб турishади. Улар совет маданияти, фан ва техника соҳасида эришаётган ютуқлар билан яқиндан танишиб, Совет Иттифоқи санъаткорларининг чиқишларини томоша қилишади.

СУРАТДА: Москвада бўладиган XII Жаҳон ёшлар фестивали ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушн йилларида қозонган ғалабасига бағишланган стенд.

АФҒОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

КОБУЛ. Шу кунларда афғон халқи шонли санани нишонламоқда — 20 йил муқаддам Афғонистон хотин-қизлари демократик ташкилотига асос солинган эди. Хотин-қизларни ҳамма жойда — токарлик дастгоҳи ёнида ҳам, троллейбус рулида ҳам, олий ўқуа юрти ўқитувчиси вазифасида ҳам кўриш мумкин. Афғонистон хотин-қизлари демократик ташкилотининг даъватига биноан кўплаб афғон хотин-қизлари қарандой (халқ милицияси) сафларига ва мудофа отрядларига кириб, революция ғалабаларини ҳимоя қилмоқдалар.

АДР хотин-қизларининг мамлакат турмушидаги иштирокини янада активлаштириш билан бирга давлат томонидан уларга нисбатан муносабат ҳам кескин ўзгарди. Агар революциядан қадар афғон хотин-қизлари «иккинчи сорт» кишилар, деб ҳисобланган бўлса, ҳозир уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги принципи АДР муваққат конституциясида қайд этилган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Яқинда Афғонистан хотин-қизлари демократик ташкилотининг Марказий Комитети шонли сана муносабати билан барча афғон хотин-қизларига чақириқлар эълон қилди. Бу чақириқларда жумладан, демократик Афғонистон хотин-қизлари бундан буён ҳам Апрель революциясининг адолатли мақсадларини амалга ошира бериш учун, регионда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик ўрнатилиши учун курашаверадилар, дейилган.

ЮМАЛОҚ КЎМИР ТОПИЛДИ

Жаҳон мамлакатлари орасида учинчи бўлиб Польша территориясида шарсимон кўмир қазиб олишга киришилди. Бунга Катовицедаги янги кўмир конларини қидириш даврида эришилди. Янги топилган кўмир шарсимон бўлиб, жуда мўрт, устн ялтироқдир. Ҳар бир кўмир бўлагининг диаметри 1 сантиметрдан 4 сантиметргача. Олимларнинг фикрича, бундай кўмирлар 600 даражадаги иссиқлик туфайли пайдо бўлган.

ТАРИХИЙ ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ

Шу йил баҳорда Германия Федератив Республикасининг темир йўлларида қадимги паровозлар қатнай бошлади. Мамлакатда темир йўл хизматн ташкил этилганлигининг 150 йиллиги муносабати билан учта эски паровоз ремонт қилиниб, маршрутга чиқарилди.

НОЁБ КОЛЛЕКЦИЯ

Дрезден шаҳридаги кутубхона — Германия Демократик Республикасидаги энг йирик ҳисобланади. Уни кўпгина чет мамлакатлардаги илмий марказлар ҳам тан олган. Кутубхонада тўпланган адабиётлар ўзига хослиги билан бу ерга келувчиларни қизиқтириб келмоқда. Бу ерда дунёда ягона ҳисобланган қўзиқоринлар ҳақидаги адабиётлар коллекцияси тўпланган. Шунисн характерлики, адабиётлар орасида XVII аср бошида чоп этилган қўзиқорин тўғрисидаги китоблар ҳам бор.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Тошкентда, 2-дон маҳсулотлари комбинати территориясида республикамизда энг йирик бўлган гуруч заводи қурилиши олиб борилляпти. Аниқроғи, улкан ишлаб чиқариш корхонасининг қурилиши ниҳоясига етмоқда. Корхона ишга тушгач бу ерда суткасига 360 тонна шоли қайта ишланади. Объектнинг умумий смета баҳоси 10 миллион сўмликдан ошиб кетади. Бу ерда қарийб 8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Заводнинг территориясида 40 дан ортиқ асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуслари жойлашади. Шундай қилиб, бу корхона донни қайта ишлаш барча технологик жараёнларини дистанциялн бошқарувига эга бўлган республикамиздаги ягона завод бўлиб қолади.

Завод қурилиши, — дея ҳикоя қилади дон маҳсулотларн комбинатн бош инженери И. Симма, — сўнгги босқичга кирди. Цех корпусларн тўла қад кўтарди. Коммуникациялар ўтказилди. Объектда бош пудратчи бўлган «Спецэлеватормельст р о й»-трестнинг 5-қурилиш поездн коллектнви ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Айни пайтда цехларда қарийб 90 процентга яқни мосламалар ўрнатилди. Бир йўла уларни созлаш ишларн ҳам олиб борилмоқда.

Цехларда монтажчилар билан бирга ишлатувчилар ҳам ҳозирю нозир бўлишган. Уларга ҳам иш топилди. Мосламаларнинг катта қисми четдан келтирилган. Уларни яхшилаб ўрганиш, ишлатиб кўриш зарур. Шунингдек, «СредазНИИзерноп р о е к т» лойиҳасозлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни ҳам бартараф этишга тўғри келмоқда. Буюртмачи билан қурувчиларнинг лойиҳачиларга эътирозлари анчагина.

Шу кунларда қурилиш-монтаж ишларнн ниҳоясига етказиш, мосламаларнн созлаш ишларида 500 дан ортиқ киши машғул. Улар заводни июнь ойи охирида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ю. КОВАЧ.

РАЙОНДА 58 ТА БОҒЧА

Киров районидаги Шодлик массивида 320 ўринли янги замонавий болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги типдаги бу бинонн «Главташкентстрой»нинг 32-қурилиш бошқармаси қурувчилари битказдилар. Қурувчилар бу ерда 380 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Боғчага Белоруссиядан 50 минг сўмлик мебеллар олиб келинди. Болалар муассасасида ёш авлоднинг яхшн дам олиб, тарбияланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Шу билан райондаги болалар боғчалари сони 58 тага етди. Уларда меҳнаткашларнинг 15 мингдан знёд ўғил-қизи тарбияланмоқда. Янн охиргача яна тўртта ана шундай болалар боғчаларн қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ЯНГИ АВТОБУС МАРШРУТИ

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги Тошкент денгизигача қатнайдиган янги автобус маршрутини ишга туширди. Бу маршрут бўйича ҳар шанба ва якшанба кунларн метронинг «Чилонзор» станциясидан «Тошкент денгизи» маданият ва истироҳат боғигача янги автобуслар дам олувчилар хизматида бўлади.

«Тошкент денгизи» маданият ва истироҳат боғи маъмурнятн дам олувчиларга яхши хизмат кўрсатиш мақсадида кўплаб аттракционлар очди, қайиқларда сувда сузиш учун ҳамма нарсалар муҳайё этди. Шунингдек, денгиздагн чодирпар шаҳарчасида коллектив бўлиб дам олиш мумкин.

Т. ЮСУПОВ.

ЎНҚИР-ЧЎНҚИР КЎЧА

Октябрь ва Акмал Икромов районидаги Уйғур кўчаси шаҳримиздаги энг узун кўчалардан бири ҳисобланади. Лекин ана шу кўчанинг кўпчилик ерида йўловчилар учун йўлка йўқ, транспортлар тўхтайдиган бекатлар ўта ноқулай, машиналар эса тор кўчадан юрадн. Уйғур кўчасининг Улуғбек кўчаси билан кесишган ерида йўлкаларнинг йўқлиги бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари Кўкча ва Оқлонда яшовчи жуда кўплаб аҳолн тор кўчадан юришга мажбур бўлишмоқда. Айниқса «Оқлон» бекатининг жуда торлиги кўплаб йўловчиларга қийинчилик туғдирмоқда. Бизнинг бирдан-бир истагимиз шуки, Октябрь ва Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасидаги масъул ўртоқлар бу кўчаларда йўловчилар учун йўлкалар барпо қилишлари, транспорт бекатларида қулайлик яратишлари, кўчалардаги чуқурчаларни кўмиб, жорий ремонт ишларини олиб боришлари керак.

С. ГИЕСОВ,
меҳнат ветерани, шахсий пенсионер.

Б. КАРИМОВ,
53-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ОИЛА даврасида суҳбатлар

Хирмантепа

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

● Дўстлари кўп кишига дард ҳам, кексалик ҳам яқинлашишдан қўрқади.
● Ҳақиқий дўст тақдирнинг бебаҳо туҳфасидир. Уни сақлай билиш керак.
● Икки дўст баҳам кўрса, битта қайғу ярим тадир.
● Дўстлик қуёш йўлини ҳам қисқартиради.
● Дўстсиз киши довулда қолган дарахтга ўхшайди.
● Синалган дўст ҳеч қачон панд бермайди.
● Содиқ кўнгил ҳақиқий дўстга бебаҳо тортиқдир.
● Дўстлар тилини билиш, улар қалбига йўл очади.
● Ҳақиқий дўстдан ажралиш ватан билан видолашувга тенгдир.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

● Яхши киши чироқ бўлса, янги дўстлар унга парвонадай талпинади.
● Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Арзимаган бир иш билан ҳам кишининг кўнглини олиш мумкин.
● Ёмонликдан жиркана олмайдиган киши яхшиликни қадрлай олмайди.
● Яхшилик дарахтининг илдизи мингта!
● Ёмон кишининг ёмонлигини кўпчилик билиши мумкин. Гап уни билишдамас, балки эзгулик билан тугатишда.
● Яхшилик яхшиликка оқ йўл тилайди.
● Яхшилик ҳеч қачон истеъфога чиқмайди, чунки, у кишиларни эзгулиққа чорлаб туради.
● Ёмонга ён босанг, жабрини ўзинг тортасан.
● Одамнинг тили яхши хабарни айтишга қанчалик бийрон бўлса, ёмон хабарни айтишга шунча ожиз бўлади.
● Яхши кишилар ҳеч қачон орномусларини оёқ ости қилмайдилар.
● Кек сақлаш инсонийликка, яхши фазилатга юққан хасталикдир.

Шакарбек КАЗАКОВ тайёрлаган.

АКС САДО

Мунозарани газетхонлар давом эттиришади

«УВОЛ ҚИЛГАН—ЗАВОЛ КЎРАДИ»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 23 май сонида «Увод қилган —завол кўради» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларини миллионларнинг эзгу меҳнати, пешона тери, ғайрат-шижоати билан яратилиши, булар турмушимиз фаровонлиги, ҳаётимиз заминни ва бебаҳо бойлигимиз эканлиги таъкидланиб, шундай азиз неъмат баъзи кишилар томонидан исроф қилинаётгани, нонвойхоналарда гоҳида хом мағиз, сифати паст ва куйган нонлар чиқарилаётгани танқид қилинган эди.

Шу масала оқшомхоналарнинг диққат-эътиборини тортди. Нонининг сифатини яхшилаш, тўй-йиғинларда, хонадонларда, овқатланиш жойларида, нон ва озиқ-овқат маҳсулотларини тежаб-тергаб фойдаланиш, сира исроф қилмаслик ҳақида оқшомхонлар ёзган хатлар шундан далолат бермоқда. Қуйида газетхонларимизнинг таклиф-мулоҳазаларидан айримлари билан таништирамиз.

● «Увол қилган— завол кўради» мақоласини ўқиб тўйларимизда бўладиган баъзи воқеаларни бехтиёр эсладим. Тўй-йиғинларга борилганда дастурхон устида турли-туман ноз-неъматлар билан бирга, лоладек қип-қизил нонлар териб қўйилади, ҳар бир келган даврага янги-янги нонлар синдирилаверади. «Мана, бурдаларни бор, етади», десангиз: «Э, нон одамдан азиз бўптими», деб иккита-учта нон бурдалаб қўйилади, дастурхон устн синган нонларга тўлиб кетади. Бу ҳам исрофгарчилик! Тўйларда ҳисоб-китоб қилмай 5—6 қоплаб нон ёпиш, уч-тўрт хил овқатлар қилиш ҳам нонни ва озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилишга, нобудгарчиликка сабаб бўлмоқда.

Улуғбек маҳалласида узоқ умр кўрган Робия ая Иброҳимова, Салим бува Алимов ва Абдусамат ота Мирсолиевлар билан суҳбатлашганимда, улар қотган нон инсон саломатлигига ниҳоятда фойдали эканини айтишган эди. Биз ҳам хонадонимизда рўзғордан ортган нонларни қотириб қўйсак ундан нон солма, талқон тайёрлаш, шўрваларга қўшиб истеъмол қилиш ғоят лаззатли бўлади.

С. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

● Нон— ҳаёт манбаи, кундалик ризқи-рўзимиз, ҳаётимиз фаровонлигининг рамзидир. Бу бебаҳо неъматни қадрлаш ҳар бир виждонли кишининг муқаддас бурчи бўлиши керак. Яқинда Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг кечки факультетида филология фанлари кандидати М. Туробова бошчилигида «Нонни эъзозланг» деган кеча ўтказилди. Бебаҳо неъмат —нон ҳақидаги деворий газеталар, плакатлар, шиорлар, кўргазмалар студентларнинг диққат-эътиборини тортди. Кечада нон ҳақидаги шеърлар, қўшиқлар ижро этилди, пазандалик бўйича кўргазмалар намойиш этилди.

Б. НУРАЛИЕВ,
Чилонзор районидаги 7-квартал 45-уйда истиқомат қилувчи.

● Бир бурда нон! Бебаҳо неъматнинг ана шу бир бурдаси олтиндан қиммат, жондек азизлигини биз, кекса авлод яхши биламиз... Улуғ Ватан уруши йилларн бир қишлоқда тўхтадик. Йўл чеккасида қаққайиб қолган бир кулбага кирганимизда беҳол ётган она ва олти ёшлардаги болага кўзимиз тушди. Она кўзларини зўрға очиб, боласинн кўрсатди. Бола: «Нон, нон» деб илтижо қилди. Мен рюкзагимдан ярим буханка нонни олиб боланинг қўлига тутқаздим. Шунда унинг кўзлари севинчдан ёниб кетди, онаси нонни кўриб йиғлаб юборди. Бир бўлак нон она ва болага шунчалар қувонч бағишлаганини ҳеч қачон унутмайман.

Нон— ҳаёт деганн бўлади, уни исроф қилган одам виждонини қийнайди, нон етиштирган бобо деҳқонга ҳурматсизлик қилган бўлади.

К. МУҲАМЕДОВ,
Юнусобод массивидаги Зарипов кўчасида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

● Ота-оналаримиз нонни дом эъзозлашган, бурдаси у ёқда турсин, ушоғини ҳам ўпиб, кўзга суртганлар, бизга ҳам нонни ҳеч увол қилмасликни уқтиришган. Биз ҳам ўз навбатида фарзандларимизга, илм масканларида ўқувчиларимизга буни ўргатиб, нонни дом эъзозлашни, уни исроф қилмасликни уқтирамиз. Боғчаларда, мактабларда ва билим юртларида нонни эъзозлаш бўйича машғулотлар, махсус дарслар ўтказилса, тематик кечалар уюштирилса айни муддао бўлур эди. Бундай омиллар болалар тарбиясига яхши таъсир кўрсатиб, уларни ота-Ватанинг бойликларини қадрлашга ва меҳнат кўникмаларини олишларига катта ёрдам берар эди.

М. ҚОСИМОВА,
9-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси.

● Нонни увол қилиб, стол оёғи тагига посонги ўрнига қўяётган олифта студент йигитчадан жуда нафратландик. Биз, студентлар ота-онамиз ёрдамида, яхши одамлар кўмагида ўқиб билим олаяпмиз, биз она-Ватанимиз ҳар бир бойлигини, неъматларини, нонларини қадрлашимиз, эъзозлашимиз керак. Ёшликдан меҳнат қадрига, яшаш қадрига, умр ва вақт қадрига етсак, ҳаёт йўлимиз шунча гўзал бўлади.

Ғ. АҲМЕДОВ, У. ИМОМОВ, Т. ҲАМЗАЕВ,
Тошкент Давлат медицина институти студентлари.



Сўлим кўлда сайр этиш мароқли.
Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

Болалар сўзлаганда

ҚЎЛ ЮВИШ

—. Қўл ювганда нега совун сурамиз?— сўради тарбиячи тўрт яшар Олимжондан.

— Совуннинг аччиғи микробларнинг кўзига кириб ачиштиради, кейин улар қочиб, қўл тоза бўлиб қолади, — деди у.

АНГИНА

— Дарахтлар ҳам сув ичадими, дада!—сўради тўрт яшар Лола.

— Ҳа, ичишади,— деди дадаси.

— Муздек совуқ сувни ҳам ичаверишадими!

— Ичаверишади.

— Вой, нега уларнинг томоғи оғримайди, ангина бўлмайдими!

ОВҚАТ МАҲАЛЛИ

— Нега косадаги овқатингни тез ичиб қўя қолмай имиллаяпсан!

— Дўхтир опамиз овқатни оз-оз, секин-секин чайнаб ейиш керак, деганлар.

Собит ҒАФУРОВ.

● *Бир шингил табассум*

ЮМОРЛАР

— Дада, оптимистлар билан пессимистлар орасида қандай фарқ бор?

— Бу фарқни пайқаб олиш жуда осон, ўғлим, оптимистлар патнисда пишлоқни кўришади. Пессимистлар бўлса пишлоқдаги тешикларни кўришади, холос.

***

Машҳур артист Л. вокзалнинг кутиш залида ўтирар эди. Бир киши унинг ёнида тўхтаб, узоқ вақт унга тикилиб қолди, сўнгра тортинибгина сўради:

— Кечирасиз, сиз артист Л. нинг акаси ёки укаси эмасмисиз?

—Мен сиз айтаётган ўша артистнинг ўзиман, —деди жилмайиб Л.

—Э-ҳа, шунинг учун ҳам шунчалар ўхшар экансиз-да.

***

— Сиз бирон марта хотинингизни урганмисиз?

—Ҳа, албатта, аммо фақат ўз-ўзимни ҳимоя қилиш тариқасида.

***

— Бугундан бошлаб, фақат овқатдан кейин битта папирос чекинг! —деди врач беморга.

Бир ҳафтадан кейин бемор яна врачнинг ҳузурига келди.

— Мана энди кўринишингиз анча тузук, тўлишибсиз, рангингизга қон югуриб қолибди, —деди врач.

—Ҳа, албатта, мен ахир бир ҳафтадан бери йигирма марталаб овқатланишга мажбур бўляпман-да.

***

— Сиз уйқу дориси ичишни бас қилишингиз керак,— деди врач актрисага,— бўлмаса бу одатга айланиб қолиши мумкин.

— Бўлмаган гап, — деди актриса, — мана, мен йигирма йилдан бери уйқу дорисидан ичиб ухлайман, аммо ҳалигача бу менга одат бўлиб қолгани йўқ.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Стадионда байрам

«Текстильшчик» стадионида оммавий спорт байрами ўтказилди. Жуда кўп мухлислар олдида дзюдочилар, ритмик гимнастика усталари ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Стадион бўйлаб велосипед пойгаси ўтказилди. Қатнашчиларнинг ҳаммаси корхонанинг ишчи ва хизматчилари эди.

Аввалги йилларда район ва шаҳар мусобақаларида корхона шарафини ҳимоя қилган футболчилар яна майдонга чиқишди. Улар ёшлари 45—50 да бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқаришда фаол қатнашаётган, кунлик ва ойлик топшириқларнни ошириб бажараётган кишилар эди. Бу сафар ветераплар «Пахтакор» командасининг ветеранлари билан куч синашишди. Машҳур команда ветеранларининг орасида Б. Абдураимов, Р. Турғунов ҳам бор эди.

Улар майдонда маҳорат кўрсатиб, томошабинларни ҳушнуд этишди.

Корхона футбол ветеранларининг орасида В. Фролкин, З. Иброҳимов, Т. Гайнуллин, Н. Глазков, Я. Мирзаниднс, А. Тарасов, В. Кузнецов ва бошқалар бор эди. Ҳар иккн команда дарвозасининг олдида жуда кўп хавфли вазиятларни вужудга келтирган бўлишига қарамасдан, ҳисоб очилмади.

Ветеранлардан сўнг майдонга яна иккн футбол командаси чиқди. 3:1 ҳисобида ғалабага эришган 2-фабрикаиинг футболчилари корхона совринини қўлга киритишди. Темирйўл транспорти хўжалигининг футболчилари иккинчи ўринни эгалладилар.

Спорт байрами қатнашчиларга ҳам, томошабинларга ҳам катта завқ бағишлади.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

● ОММАВИЙЛИКДАН—МАҲОРАТ САРИ

МЕРГАНЛИК МАРРАСИДА

Яқинда Тошкентдаги Армия спорт клубининг мерганлик тирида қизғарли мусобақа ўтказилди. Тошкент шаҳар овчилар жамиятининг балиқчи ва овчилари мерганлик бўйича маҳоратларини синовдан ўтказишди. Ўн команда состявида 43 мерган бор эди.

Юз имкониятдан 78 очко тўплашга муваффақ бўлган Тошкент шаҳар овчилик жамиятининг командаси умумий якунда биринчи ўринни қўлга киритди. В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг вакиллари иккинчи ўринни эгаллади. Шу корхонанинг иккинчи командаси учинчи совриндор бўлди.

Шахсий ҳисобдаги баҳслар ниҳоятда қизиқарли бўлди. 50 имкониятдан 34 очко тўплашга эришган О. Амелина биринчи ўринни қўлга киритди. М. Кузнецов ундан уч очко кам тўплаб, иккинчи совриндор бўлди. Г. Филиппов эса учинчи ўринни эгаллади.

Траншея стендини нишонга олишда С. Стигнеев ўзига хос маҳорат кўрсатди. У 50 имкониятдан 43 очко тўплаб, чемпион унвонини қўлга киритди. Ундан бир очко кам тўпланган О. Аничкин иккинчи совриндор бўлди. Я. Маслов эса учинчи ўринга кўтарилди.

Мерганлик бўйича ўтказилган мусобақалар қатнашчиларга ўз маҳоратларини синовдан ўтказиш, мерганлик тажрибаларини бойитишга имкон берди. Яна шу нарса маълум бўлдики, шаҳримизда балиқ ови ва бошқа овчиликка қизиқаётганларнинг сафи кенгайиб бормоқда.



Стол тенниси бўйича ўтказилган Ҳамза район бирничилигида «Ташсельмашевец» клубининг спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Ғолиб команда составида корхонанинг 5-цехидаги пайвандловчилар бригадасининг бошлиғи, биринчи ва учинчи даражали Шуҳрат орденларининг кавалери Д. Атаманов ҳам бор эди.

СУРАТДА: Д. Атаманов.

ИККИ ЮЗЛИ ОДАМ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Тошкент зилзиласидан кейин янги барпо бўлган маҳалламизда ҳар ким уй-жой қуришга киришиб, қўни-қўшнилар бир-бирларига бўш вақтларида ҳашар қилишар эди. Гузарга яқин жойга, нон дўкон ёнбошига яқин Тоштемир деган бир киши шинамгина уй солди, ҳовли атрофига пахса девор уриб, «ўғри тушмасин» деб девор устига шиғил қилиб синган қиррадор шишаларни қадаб чиқди. Бир кун ўтиб кета туриб, Тоштемирнинг кўча дарвоза тепасига чақир тиканак осаётганини кўриб қолдим:

— Ҳорманг, Тоштемир!— дедим унинг ғайрат билан қилаётган ишига ҳайратланиб. — Ия, нега чақир тиканак илаяпсиз?

Тоштемир менга бўрайиб тикилди-да:

— Э азиз биродарим, ҳали хом экансиз, — деди тишларини тиржайтириб, — дунёда одамнинг кўзидан ёмон нарса йўқ. Ҳовлимга, шундай нақшин дарвозамга ҳасад кўзи билан қарайдиган дили қора одамлар йўқ деб ўйлайсизми? Ана ўшанақа ёмон одамларнинг кўзига мана шу чақир тиканак найзадек санчилсин деб осяпман... Мен бу иморатни бир базада ўн икки йил қоровуллик қилиб, зўрға қурдим, ишқилиб ёмон кўздан асрасин.

Таажжубланиб кулиб қўйдим-да, индамай йўлимга кетдим. Лекин Тоштемирнинг «дунёда одам кўзидан ёмон нарса йўқ», «одамларнинг кўзига найзадек санчилсин», деган аччиқ гаплари миямга қаттиқ ўрнашиб, ўзимни ғалати сеза бошладим. Бу одамни маҳаллада ҳамма ҳурмат қилар, тўй-маросимларда иззат қилиб тўрдан жой беришар, катта-ю-кичик уни кўрганда салом-алик қилмасдан ўтмас эди. Шундай иззат-икромли одамлар билан дом ширинсуҳан муомалали, бировга бирон озор бермай юрган Тоштемирнинг девори тепасига синган шишаларни қадаб ташлаганидан, нақшин дарвозаси тепасига «одамларнинг кўзига найза бўлиб санчиладиган» чақир тиканак осганидан ҳайратдаажжубда қолдим.

Кўча-кўйда Тоштемир ким билан кўришса:

— Азиз биродарим, тан-жон соғми, бола-чақа омонми, нима юмушлар билан юрибсиз?— деб ҳол-аҳвол билар, юмушлардан сўроқлар эди. Шундай пайтларда унинг сарғиш-қўкиш кўзларн ўйнаб, юзларидаги ажин излари сўроқловчисига ачинаётгандек бир-бирига туташиб кетар эди.

«Азиз биродарим»— унинг шу шириндаломи катта-ю-кичикни ўзига ром этиб, кўпчиликнинг меҳрини қозонган эди. Лекин...

Кўп ўтмай касални иситмаси ошкор қилиб қўйди. Тоштемир уйдаги ахлат-чиқиндиларни замбилғалтакда олиб чиқиб, нон дўкон орқасидаги майдонга ташлайверди. Ёшгина магазин мудири Лутфиллахон унга илтимос қилди:

— Магазинимизда азиз неъмат — нон сотилади, Тоштемир амаки, шу ерга ахлат ташлашингиз яхши эмас, санитарияга тўғри келмайди.

— Санитария нима ўзи, азиз биродарим?

— Озодалик, саранжом-саришталик.

— Нимага бўлмаса санитария дейсиз, азиз биродарим, озодалик десангиз бўлаверяркан-ку... Мени жа оми деманг, озодаликни билганимдан уй-жойимни сариштага қилиб ўтирибман. Узингизнинг дўконингиз ифлос, нон ушоқлар уйилиб ётади, сичқонлар ўйнаб юради.. Шунинг учун мен қўлдан уй нони олиб ейман... Сизнинг дўконингизнинг нонидан ҳазар қиламан.

— Мени тўғри тушунинг, Тоштемир амаки, — деди унинг жазаваси тутганини кўриб Лутфиллахон ётиги билан, — сиз ахлат ташлайсиз, кейин сизни кўриб бошқалар ҳам бу ерни ахлатхонага айлантириб юборишади.

— Билиб гапир, бу ер ўзи анчадан бери ахлатхона!.. Тухмат қилма, устингдан ёзаман!

Бу ишга кўчадан уч-тўрт киши билан ўтиб кетаётган маҳалла раиси Саидхўжа ота ҳам аралашди, у босиқлик билан Тоштемирга тушунтирди:

— Маҳалламизда ахлатхона бўлмаслиги керак биродар, бу майдончани болалар ўйнайдиган боғча қилиб қўямиз, мевалик дарахтлар экамиз, ҳамма баҳраманд бўлсин.

— Хўш, азиз биродарим,— деб бўйнини хўроздек чўзди Тоштемир раисга,— маҳалламизга «Автодормехбаза» машинаси келмаса, ахлат ташлайдиган бу майдонни боққа айлантириб, мевасини ейдиган бўлсангиз биз бечоралар ахлатни қаерга ташлаймиз?.. Қаерга?!

— Ўдағайламанг, Тоштемирхон,— деди босиқ оҳангда Саидхўжа ота,— ҳовлингизнинг бир чеккасидан чуқур ўра ковлатинг, ахлатни ҳам кир-чир сувини ҳам ўша ўрага ташлатинг... Маҳалламиздаги ҳамма хонадонларда шунақа кир ўра бор.. Ҳеч ким ахлатни кўчага ташламайди.

Тоштемир замбилғалтакни эгилиб оларкан, раисга илондек бўралиб қаради:

— Сиздан раҳмат эмас, нуқул лаънат оларканмиз-да?— деди у ачитиб гапираркан.— Маҳаллада ҳовли сотиб, бўш майдонларни сотиб ҳамёнга ураётганингизни биламиз... лекин дамимиз ичимизда-да...

— Ҳой, Тоштемирхон, ўйлаб гапиринг, мен маҳалламга ўттиз йил отахон бўлиб, бировнинг бир мирисига хиёнат қилмаганман.

Тоштемир замбилғалтакни уйи томон ғилдиратиб бораркан, раисга шундай бир ўқрайди.

— Туф-э, аблаҳ!— деди афсус билан Саидхўжа ота секингина,— нодонга айтган эсиз сўзим... — кейин ота бизга қараб, надомат оҳангида деди:

— Бу одам энди менинг устимдан яна «думалоқ хат» юборади... Устимдан етти марта ёзди. У маҳалламиздаги намунали боғча тарбиячиларини ёмонлаб районга ёзди, мана бу шинам нон магазинимизни «сичқонхона» деб ёзди, оддий трамвай ҳайдовчи қўшнисини катта тўй қилди, деб ёзди, маҳалламиз врачи Ҳилолахонни укол қилиб, одамлардан пул олади, деб ёзди, Улуғ Ватан урушн инвалиди, ўн икки фарзандининг отаси Неъматхонни ичво қилаверяркан, асабини бузавериб, охири тўшакка ётқизиб қўйди... Биров уйига кўмир туширса ҳам — гап, мебель олса ҳам — гап, биров ҳовлисига мевали дарахт ўтказса ҳам қаердан олдинг деб гап қилади... Маҳалламизга комиссия устига комиссия келади, у бадгумон қилган одамларни ишхоналарига бориб текширишади, ҳеч бири тасдиқланмайди. Лекин бу ичвогар ёзаверади, унинг исми аслида Тоштемир эмас, Тошотар бўлиши керак. Ҳаммага маломат тошини отаяпти, бир кун ўша тошлар йиғилиб ўз бошини ейди... Бу масалани маҳалла комитети мажлисига қўямиз энди.

Мен шу куни кечқурун маҳалла клубида ёшлар тарбияси мавзуида бўладиган олимлар суҳбатини эшитишга иштиёқ билан чиқдим. Клубга кирсам, қоронғи бурчакда Тошотар дераза ёруғига солиб газета ўқияпти, у мени кўриб, кўрсатгич бармоғи билан имлаб чақирди:

— Бу ёққа келинг мулла,—деди кўзойнаги тагидан бақрайиб, —мана бу газетадаги хабарни қаранг «Санжар ака Улуғ Ватан уруши жангларида қаҳрамонлик кўрсатиб, она қишлоғига соғ-саломат қайтиб келди...» Шу ҳам гапми! Мухбирлар мақтайман деса гапни совундек кўпиртириб, жар ясаворади-да... Жангдан оёқ-қўли соғ қайтибди-ку, қанақасига қаҳрамон бўлади. Ҳақиқий қаҳрамонлар жанггоҳда ўлиб кетишган-ку... Шунақа гапларга ҳеч чидолмайман-да, бу мухбирлар устидан қаерга ёзса бўлади, мулла?— тиржайди у.

Ҳайратдан қотиб қолдим. Одамлар билан дом кулиб «Азиз биродарим» деб кўришадиган бу банда шу дамда кўзимга хунук маҳлуқнинг куйдирган калласига ўхшаб кўринди, назаримда унинг боши орқасида яна юзи, яна икки кўзи бордек, улар ниҳоятда хунук, кўзойнакли илондек заҳарли эди. У кулиб турган олд юзи билан одамларни чалғитиб бағрига босар, худди шу пайтда орқадан ўраккка ханжар санчар эди...

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

Ушбу туркум материаллари Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. А. Ваулинниинг умумий таҳрири остида бериб борилади.

● МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Пайсалга солинмоқда

Шаҳар давлат автомобиль инспекцияси ходимлари йўлларда осойишталикни муҳофаза қилишга даъват этилганлар. Шу мақсадда қоидабузарликларни аниқлашнинг турли формаларига мурожаат қилинмоқда. Бундан бир йил бурун шаҳар трассаларида «Ҳаракат хавфсизлиги учун» ва «Автопатруль» ёзувлари туширилган агитавтобуснинг пайдо бўлиши кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этди. «Главташпассавтотранс» ва давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ташаббуси билан рейсга чиққан бу автобус комплекс агитация бригадаси ихтиёрига берилди. Бу бригада составига врач-нарколог, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспектори, ГАИ ходимлари киритилди.

Бригада составида врач-нарколог ҳамда ҳавони муҳофаза қилиш инспекторининг борлиги йўл ҳаракати қоидаларига ҳурматсизлик қилаётган шахсларни аниқлашда қатор афзалликлар берди. Бу билан ҳайдовчи ва йўл назорати инспектори ўртасида тез-тез учраб турадиган беҳуда тортишувларга, асаббузарликларга чек қўйилди. Маълумки, инспектор томонидан қайси борлигида шубҳаланган ҳайдовчини наркологик диспансерга текширишдан ўтказишга анча вақт кетарди. Автомобиль двигателидан чиқаётган заҳарли газ миқдорини ҳам чамалаб ўлчаш осон эмас. Агитавтобусдаги аппаратлар эса муаммони ҳал этади.

Агитавтобуснинг фаолияти ва келгусидаги тақдири кўпчиликда қизиқиш уйғотяпти. Унинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги хайрли ишини давом эттириш ва ривожлантириш мақсадида шаҳар Совети ижроия комитетининг 1984 йил 10 ноябрдаги қарорида шундай дейилади: «Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва ички ишлар бошқармаси, шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти 1984 йилда линияда ҳайдовчиларнинг аҳволини назорат қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек автомобиль двигателидан чиқаётган газларнинг токсик даражасини текширш учун тўртта комплекс бригада ташкил этишсин. «Главташпассавтотранс» ва шаҳар марказлашган юк ташиш трести бу бригадаларга автотранспорт ажратиш имкониятини топсин ва таъминлашга ёрдам кўрсатсин».

Қарор қабул қилингандан буён орадан етти ой ўтди. Йўл-транспорт ҳодисалари камаймаётир. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг анчагина қисми Тошкентнинг иқлими иссиқлиги ва ҳавони янгилаб турадиган шабаданинг кам эсиши шаҳардаги муаммони янада долзарб қилиб қўймоқда. Шунга қарамай, агитация автобуслари сонини кўпайтириш кераклиги ҳақидаги шаҳар ижрокоми қарорининг бажарилиши пайсалга солинмоқда.

«Главташпасса в т о транс»нинг тажриба бошлашда иштирок этган автобуси мунтазам равишда ишлаб турибди. Лекин минглаб автобусларга эга бўлган бу нуфузли ташкилот иккинчи автобусни ажратишга сира шошилмаётир. Қанча гап-сўзлардан сўнг шаҳар марказлашган юк ташиш трести раҳбарлари шу йилнинг апрель ойида битта автобусни агитбригада ихтиёрига тақдим этишди. Иккинчисидан эса ҳали-вери дарак йўқ. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳам, шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамияти ҳам агитбригадалар составига тегишли мутахассислар, зарур аппаратлар ажратишни асоссиз равишда чўзиб юбормоқдалар.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво мусаффолиги учун кураш ниҳоятда муҳим иш. Айниқса, турли анжуманлар ўтказиладиган, кўркамлиги ва меҳмондўстлиги билан туристларни ўзига ром этаётган ҳамиша навқирон шаҳарда бу ўзгача аҳамият касб этади. Территорияси ва аҳолининг нуфузи жиҳатидан иттифоқимиз шаҳарларн ўртасида энг олдинги ўринлардан бирида турган Тошкент йўлларида осойишталикни кучайтириш учун комплекс бригадалар сонини кескин кўпайтириш зарурати сезилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг ички ликбозликка қарши кураш тўғрисидаги тадбирлари асосида иш юритиш ҳам ана шуни тақозо қилмоқда.

Б. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси агитация ва пропаганда бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани.

ФОТОАХБОРОТ

Ишончли ёрдамчилар





Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш —муҳим соцнал-иқтисодий вазифалардан бирндир. Бугунги кунда автомобиль транспортида авариялариинг олдини олиш ишида қатнашмаётган бирорта корхона ёки ташкилот йўқ дейиш мумкин. Жамоат тузилмаларн раҳбарларининг умумшаҳар конференцияси ҳам ана шу масалага бағишланди.

Кўнгилли халқ дружиналари ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этишда милициянинг ишончли ёрдамчиларидир. Жамоатчи инспекторлар аҳолн ўртасида йўл ҳаракатн қоидаларини пропаганда қилишда қатнашишяпти. Транспортни маст ҳолда бошқариш, пиёдалар томонидан йўл ҳаракатн қоидаларн бузилишларни фактларини аниқлашяпти, уларнинг олдини олишяпти. Конференцияда шаҳар ва район кўнгилли халқ дружиналари штабида йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган дружиналар тузишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳуқуқ муҳофазаси органлари ишидаги камчиликлар ҳам танқид қилинган эди. Ҳозирги шароитда интизом, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун қатъий кураш олиб боришда кўнгилли халқ дружиналари ва милициянинг ўзаро ҳамкорлигига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Ҳар кунн жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича навбатчиликка беш мингдан зиёд жамоатчи активистлар — кўнгилли халқ дружиналарининг аъзолари чиқишяпти. Ҳозирги пайтда ички ишлар органларининг ёрдами билан ихтисослаштирилган дружиналар тузилган, уларнинг олдида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини муҳофаза этиш бўйича катта вазифалар турибди.

Конференцияда шаҳримиз мактабларидаги ёш автоинспекторларнн ва г яхши ишлари қайд этиб ўтилди.

СУРАТЛАРДА: жамоат тузилмалари раҳбарларининг умумшаҳар конференциясида

Т. Каримов фотолари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми

20 ИЮНЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ҲАЯЖОНЛИ ТОНГ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



К. Поповичнинг «Днестр узра тонг» романи асосида. Сценарий муаллифи — В. Гажиу, Ю. Георгичук. Режиссёр— В. Гажиу.

РОЛЛАРДА —В. Куку-Бужор, С. Тулгара, Е. Лазарев ва бошқалар.

Фильм 1917 йилнинг февраль ва октябрь ойлари ўртасида молдаван қишлоқларидан бирида бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган. Ярадор бўлгандан кейин фронтдан қайтган большевик Михаил ер учун курашда қишлоқ камбағалларига раҳбар бўлиб тайёрланади. Унинг ташаббусига кўра қишлоқда чинакам халқ ҳокимияти органи — совет тузилади.

Фильмда маҳаллий аҳолининг барча табақаларини акс эттира оладиган қаҳрамонларнинг шахсий тақдирига кенг ўрин берилган.

«МОЛДОВО-ФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН»

Сценарий муаллифи ва режиссёр— А. Ҳамроев.

Ролларда— Р. Зокирова, Ф. Файзиев, Ҳ. Шарипов ва бошқалар.

Ўзбек музика маданияти анъаналари руҳи сингдирилган қўшиқлар ва рақслар билан бой бўлган муҳаббат ҳақидаги музикали лирик комедия ёшгина қиз Асалнинг муҳаббати ва ёш трамвай ҳайдовчи Едгорнинг муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.



«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълими министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1985-86 ўқув йили учун кундузги бўлимнинг 1-КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Инглиз, немис, француз тиллари факультетларига ва испан тили бўлимига студентлар қабул қилинади.

Институт чет тили ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлайди, шунингдек миллий мактабларда рус тили ва адабиёти бўйича қўшимча ихтисос ўргатилади.

Институтни битирганлар чет тили ўқитувчиси, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси малакасини оладилар.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Ўқишга кирувчилар чет тили (оғзаки), **она тили ва адабиёт** (ёзма ва оғзаки), **СССР тарихи** (оғзаки) **фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар.**

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), характеристика-тавсиянома, меҳнат стажига эга бўлганлар учун — меҳнат дафтарчаси, колхозчилар учун — колхоз дафтарчаси, 6 дона фотосурат, медицина справкаси (086/V форма).

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача.

Институт адреси: 700031, Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 11-уй.

САРАТОН-МАЙИН ГАЗЛАМАЛИ ЛИБОСЛАР ПАЛЛАСИ

ШИФОН, КРЕПЖОРЖЕТ, БАТИСТ, ХОН АТЛАС, ШТАПЕЛЬ, ПОПЛИНДАН ТИКИЛГАН КЎЙЛАКЛАРДА, САРАФАНЛАРДА, КОСТЮМЛАРДА СИЗ ЎЗИНГИЗНИ САРАТОННИНГ ЭНГ ЖАЗИРАМАЛИ КУНЛАРИДА ҲАМ ЕНГИЛ ХИС ЭТАСИЗ.

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА

САРАТОН УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН РАНГ-БАРАНГ ТУСДАҒИ ГАЗЛАМАЛАР СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.



МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

8— «Олмазор массиви», 7—8-уй;

16— Луначарский шоссеси, 123-уй;

12— Халқлар дўстлиги проспекти, 5-уй;

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 24-23-96).



ҲАР БИР ЛИБОСНИНГ ЎЗ БЕЗАГИ БОР

Ҳозирги замон зийнат безакларининг асосий хусусияти шундан иборатки, улар кийиладиган либоснинг ранги ва шаклига монанд бўлмоғи керак. Ҳар куни кийиладиган кўйлаклар учун зийнат сифатида ишлатиладиган буюмлар оддий бўлиши лозим.

Тошкент заргарлик заводида ёшлар учун махсус тайёрлаб чиқарилаётган арзон баҳоли металлардан тайёрланаётган буюмлар бугунги кун модасининг талабларига тўла жавоб беради.

Сизнинг зийнат буюмлари кутичангиз ранг-баранг безакларга бой бўлса, ҳамиша гўзаллик намунасини ярата оласиз!

«ВНИИЮВЕЛИРПРОМ».



МУЗИКА ҲАМИША СИЗ БИЛАН

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН «БЕЛОРУСЬ», «ИВЕРИЯ» (СССР), «РЕЙНИШ» (ГДР) ПИАНИНОЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

Пианиноларни нақд пулга ва кредитга сотиб олиш мумкин.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИНИНГ

ўт чиқиш хавфи ортган ёзги даврда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан барча ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари ва шаҳримиз граждaнларига

МУРОЖААТИ

Ўтган йилларнинг ёз даврларида рўй берган ёнғин ва ўт чиқиш ҳодисалари шундан далолат берадики, бундай кўнгилсиз ҳоллар аввало ёнғин хавфсизлиги қоидалари қўпол равишда бузилган, Давлат ёнғиндан сақлаш ва назорат қилиш органлари тавсия этган ёнғинга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан зарур чора кўрилмаган жойларда рўй берган.

Ёз фасли ёнғин чиқиш хавфи энг кучайган давр ҳисобланади.

Йилнинг бу даврида электр-рўзғор асбобларидан фойдаланганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, болаларнинг электр асбобларига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмаслиги ва ўт билан ўйнашишлари, гулханлар ёқиш, чекиш ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

ЎТ ЧИҚИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА РИОЯ ЭТИШ ШАРТ:

— объектлар ва турар жой майдонларини йиғилиб қолган ёнувчи материаллар, қуриган ўтлар ва ҳоказолардан тозалаш;

— бинолар ва иншоотлар, омборлар ва магазинлар, турар жойлар яқинида гулханлар ёқиш, ахлат ва ёнувчи материалларни ёндириш, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда чекиш;

— мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситаларини тайёр-тахт ҳолга келтириш, ўт ўчириш ҳавзаларини сув билан тўлдириш;

—ёз даври учун объектлардаги ПСО ва ДПД ихтиёрида бўлган ўт ўчириш машиналари ва мотопомпалар жанговар расчётларини комплектлаш;

— ҳамма бинолар ва хоналардаги асосий ва эҳтиёт эшикларни доим очиқ сақлаш;

— ёнувчи ахлатларнинг бўғот ва ертўлаларда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, уларни қулф солиб беркитмаслик;

— тез аланга олувчи суюқликларни йўлаклар, зинапоялар, ертўла ва бўғотларда сақлашга йўл қўймаслик, уларни квартираларда сақлашни чегаралаш;

— ёқилган электр ва газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик;

— ҳамма объектларнинг раҳбарларига Госпожнадзорнинг маҳаллий органлари билан биргаликда ёнғинга қарши ишчи ва хизматчилар билан инструктаж ўтказишни ташкил этиш, объектларнинг радио узеллари орқали суҳбатлар билан чиқиш;

— пионер лагерлари, дам олиш базаларида хизмат кўрсатувчи персонал ҳисобидан кўнгилли ўт ўчириш дружиналари, пионерлар ҳисобидан эса чунончи — ёш ўт ўчирувчилар дружиналари ташкил этиш, кеча-кундуз уларнинг навбатчилигини ўрнатиш, ёнғин чиққан тақдирда одамларни эвакуация қилиш планларини тузиш ва ишлаб чиқиш, ёнғин хавфсизлиги режимига риоя қилишнинг устидан назорат ўрнатиш, шунингдек ёнғин ва ўт чиққан ҳолларда ўт ўчириш командасини чақириш тартибини йўлга қўйиш;

— агар болалар уйда қаровсиз қолса, барча зарур эҳтиёт чораларини кўринг, гугуртларни сақлаш учун болаларнинг қўли етмайдиган ишончли маълум жойни белгилаб қўйинг. Эсингизда бўлсин, болалар катталарга тақлид қиламан деб кўп ҳолларда ёнғин чиқишига сабабчи бўладилар, ҳаттоки кўпинча уларнинг ўзлари нобуд ҳам бўладилар.

Ўт тушганини пайқашингиз билан «01» телефони орқали хабар қилинг. Бу вақтда ўт тушган жойнинг аниқ адресини, нима ёнаётгани ва ўт ўчириш бўлинмасини ким чақиргани маълум қилинг.

Айни бир вақтда бирламчи воситалар ёрдамида ўтни ўчиришга киришинг, агар хонада одамлар қолган бўлса, дарҳол уларни ташқарига олиб чиқишни уюштиринг. Ўт ўчириш бўлинмалари етиб келиши билан уларни кутиб олишни таъминланг, уларни ёнаётган ёки бурқиётган бинодан ҳамма одамлар олиб чиқилган ёки чиқарилмаганлиги ва улар қайси хоналарда қолганлигидан дарҳол хабардор қилинг.

ЎРТОҚЛАР! ФАҚАТ ҲАММА ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНГАН ТАҚДИРДАГИНА СИЗ ЁНҒИН ВА ЎТ ТУШИШ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ ҚОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/VI да **Пётр биринчи**, 21/VI да **Севги тумори**, 22/VI да **Тоҳир ва Зуҳра**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 2 бўлимдан иборат **катта ранг-баранг программа** (21/VI да 19.30 да).

кино

21 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» —**Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«ТАЛВАСА» (2 серияли)— **Искра** (12, 15, 18, 21.00; телефон 39-14-59), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15, 20.30; телефон 33-44-52).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» (2 серияли)— **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серияли) — **Хива** (22.00).

«ТЎТСИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-02).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА»— **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **М. Шайхзода номли** (11, 13, 15, 17, 19.20, 20.45; телефон 42-39-71), **Ҳамза номли** (12.30, 14, 17.30, 21.00; телефон 91-10-51).

«БУРГУНД ҚАЛЪАСИНИНГ СИРИ»—**Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида)— **Янгиобод** (11, 14, 17, 20.00).

«МАХЛУҚ» — **Фестиваль** (20.00, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» (2 серияли) — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 21.00); телефон 35-24-92).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ»— **Мир** (тоқ соатларда.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали «ЎЗБЕКИСТОН ГИЛАМЛАРИ ВА СЎЗАНАЛАРИ» МУЗЕЙИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Музей ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача очиқ; душанба куни соат 10.30 дан 15.00 гача ишлайди; дам олиш куни —сешанба.

Коллектив бўлиб келиш учун олдиндан заявкалар қабул қилинмоқда.

Музей адреси: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 16- уй. Телефон 33-02-56.

1985 йил январь ва февраль ойларида буюмларини 2-ломбардга топширган граждaнлар ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛОМБАРДИ

шуни маълум қиладики, граждaнлар ўз буюмларини 1 ИЮЛГА ҚАДАР ҚАЙТА СОТИБ ОЛИШЛАРИ ЛОЗИМ.

Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин буюмлар «Главювелирторг» базасига жўнатилади ва даъволар қабул қилинмайди.

Буюмларни қуйидаги адресда жойлашган 1-ломбард биносида қайта сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Олмазор массиви, Фурқат кўчаси, 14-уй (Киноконцерт зали қаршисида).

Рус тилини чуқур ўрганиш республика 111-мактабинтернати томонидан **Анорбоев Абдуқаҳҳор Абдуҳамидович** номига берилган В— 845150 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Республика махсус мактаб-интернат коллективи ўқитувчи **Акром ЭРГАШЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТВ

пайшанба

20 ИЮНЬ

● МТ I

18.10 УССР халқ артисти О. Басистюк куйлайди.
18.35 «Истеъдод». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, РСФСРда хизмат кўрсатган винокор В. П. Серниковнинг ёш қурувчилар билан учрашуви.
19.05 «Ҳўтикчанинг орзуси». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.15 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Уруш эсга тушганда...» Москва — Сан-Диего телекўприги (Калифорния, АҚШ).

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

20 ИЮНЬ, 1985 й.

23.30 «Сенинг образинг». Фильм-концерт премьераси (Кишинёв).
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ».
19.20 «Карадаг». Шарқий Қрим ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳайкал». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги». Спидвей бўйича халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
23.15 «Хореография миниатюралар». Фильм-концерт.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Абитуриент-85». Тошкент Давлат алоқа электротехника институти (рус.).
18.40 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз».
19.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида».
20.30 Ахборот».
20.50 «Юртим васфи». Композитор Турсун Азимов асарларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий куч». «Жаҳон ёшлиги — тинчлик учун курашда» (рус.).
22.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия — «Шикоятга ўрин йўқ».
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Сенинг афсонавий шон-шуҳратинг». Телефильм.
18.50 «Абитуриент-85». Математика.
19.20 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Ёшлар форуми» (рус.).
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Арманистон эстрадаси артистларининг концерти.
21.20 «Уч-тўрт». Телефильм.

ЖУМА

21 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Неваралларга ҳам топширайлик». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.00 «Моҳир қўллар».
10.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
11.45 Мультфильмлар: «Айиқча ва томда яшайдиган кимса», «Саругасима ороли маймуни», «Бодрингчанинг саргузашти».
12.15 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги манзаралар».
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Бўлажак заводлар», «Рекорд қўямиз», «Илғор тажриба — ҳар бир ишчига».
16.10 «Жонажон ўлка тароналари».
16.45 «Москва, фестиваль».
17.30 «Александр Твардовский». Телефильм.
18.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.00 «Нега филлар?» Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «М. И. Глинка. Романслар». Фильм-концерт премьераси.
23.15 «Ереван қалдирғочи». «Қалдирғоч» халқаро туристик лагери ҳақида телефильм.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.25 «Мунозара клуби».
11.05 «Чашмалар».
11.50 «Совет тасвирий санъати». С. Кононенков.
12.40 Болалар учун фильм. «Скрипканинг қайтиши».
13.55 Инглиз тили. Биринчи йил шуғулланаётганлар учун.
14.25 «Космонавтлар ерда туғиладилар». Телефильм.
15.25 Композитор Е. Мартинов билан учрашув.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Саёҳатчилар клуби».
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Ишчига ўроқ нимага керак». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Карагод» фольклор ансамблининг чиқиши.
21.00 «Бемаврид». Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Чопқир отнинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
23.35 «Псел дарёсидаги шаҳар». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Тбилиси манзаралари». Телефильм.
10.40 «Вулқон билан биргамиз». Бадиий фильм.
11.45 «Приморье чиннисининг жилоси», «Бир қарич ер». Телефильмлар.
12.30 «Пионерлар мамлакатида».
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль!»
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа — оммавий ижоди».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Дунё воқеалари».
20.15 «Фан-техника тараққиёти-85».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Қилич ва қалқон. Бадиий фильм. 4-серия — «Сўнгги марра».
23.30 Янгияниклар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.).
18.45 «Абитуриент-85». Физика.
19.15 Рўзи Қодирий. «Қалбим сизники». Адабий кўрсатув.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Телевизион театр. М. Байжиев. «Юзма-юз».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 10332. **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.